# БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Зоҳидова Саноат Рахмоновна

**Published by**

**Novateur Publication**

**466,SadashivPeth,M.S.India-411030**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКСИТОН-ФИНЛЯНДИЯ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**Зоҳидова Саноат Рахмоновна**

# “Бӯлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш”

**Монография**

**Самарқанд – 2022**

УДК: 37; 378; 378; 147+17

**С.Р.Зоҳидова. Бӯлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари.**
Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2022.-130б.

*Монографияда бўлажак педагогларнинг касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини ижтимоийлаштиришнинг назарий-методологик масалалари, дидактик имкониятлари, касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини ижтимоийлаштиришнинг дидактик модели ва дидактик тизими ҳақида сўз юритилади. Мазкур монография педагогика фанлари бўйича мутахассисларга, илмий-тадқиқотчиларга, бакалавр ва магистрантларга мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:**
п.ф.д.проф.Н.М.Эгамбердиева

**Тақризчилар:**
п.ф.д.доц.Ш.З.Тайланова
п.ф.ф.д.Д.М.Бегматова

Мазкур монография Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти илмий кенгашининг ...йил .......даги ...-сон йиғилишида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилди.

## МУНДАРИЖА


**Кириш** 1

**I БОБ. БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ** 3

1.1 Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг методологик асослари 3

1.2 Ижтимоий мослашув бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш омили сифатида 8

1.3 Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг амалиётдаги ҳолати 13

**II БОБ. БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ** 16

2.1 Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятлари 16

2.2 Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик модели 20

2.3 Интерфаол таълим асосида бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик тизими 26

ХУЛОСА 35

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 37

# КИРИШ

Дунёда педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг интенсив технологияларини ишлаб чиқиш, ташкилий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Олий таълимда ўқитишнинг модулли ва кредит тизимини кенг жорий этиш, бўлажак ўқитувчиларни халқаро баҳолаш дастурларидан оқилона фойдаланиш малакаларини таркиб топтириш, ижтимоий-маданий компетентлиликни ривожлантириш касбий ижтимоийлашувнинг самарали механизми сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш ҳам муҳим долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда  халқаро стандартлар асосида юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашнинг сифатини ошириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар ва ўқув дастурларини кенг жорий қилиш, узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган тадбирлар ўқувчиларнинг таълим олишлари  ва ўқитувчиларнинг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини интерфаол таълим устуворлиги асосида такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш” каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса,  бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш, касбий ижтимоийлашув мазмунини такомиллаштириш, интерфаол таълим стратегиялари воситасида касбий ижтимоийлаштириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида интерфаол таълим парадигмаси, индивидуал ва ижтимоий тажриба рефлексияси асосида диалогик муносабатлар маданияти ва фаол ҳамкорлик билан тавсифланувчи таълим муҳитини ташкил этиш, ўқув ва касбий ижтимоийлашув жараёнларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида касбий ижтиомийлашувнинг дадактик асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, педагогларнинг касбий ижтимоийлашувининг самарали механизмларини жорий этиш, педагогик-психологик компетенцияларни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Шу билан

бирга, замонавий шароитда олий таълим жараёнида касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш орқали бўлажак педагогларни ўқувчиларда креативликни шакллантиришга тайёрлаш муҳим ўрин эгаллайди.

# I БОБ. БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

## 1.1. Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг методологик асослари

Замонавий педагогика фанининг асосий муаммоси – мавжуд таълим парадигмасининг объектив асослари ва уларнинг ривожини таъминловчи қонуният моҳиятини очиб беришдан иборатдир. Мазкур ўринда, инсониятнинг янги билимлар ҳамда фикрлаш мезонларига таянувчи янги парадигмани яратиш зарурияти намоён бўлиб, у мазмун, метод, ташкилий мезонлари ҳамда кадрлар таъминоти каби жиҳатларни кенг кўламда акс эттирувчи таълим муаммоларини алоҳида долзарб масала сифатида олдинги ўринга олиб чиқишини кўрсатади.

Таълим парадигмаси (юнонча *paradigma* – мисол, намуна) моҳиятини янгилаш зарурияти қандай омиллар билан изоҳланади?

Инсоният тарихининг мавжуд босқичи моҳияти ижтимоий маданиятнинг замонавий цивилизация, тараққиёт келтириб чиқарган муаммолар таъсирида яна бир бор тарихий синовдан ўтаётганлиги тавсифланади. Айни вақтда, жамият тараққиётида ижтимоий жараённи жадаллаштирувчи технологик ривожланишнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этишини эътиборга олиб, уни техноген цивилизация деб аташ мумкин. Бундай цивилизациянинг асоси муайян қадриятлар тизимига қурилади.

Агар маълум жамият ижтимоий-ғоявий ҳамда иқтисодий инқироздан чиқиш йўлини топмоқчи бўлса, у техноген цивилизациянинг янги шаклдаги кўриниши эмас, балки янги ривожланиш босқичининг якуни тарзида акс этиши лозим. Жамиятнинг бундай ривожи ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилларини ҳисобга олувчи, шахсга йўналтирилган инсонпарварлик парадигмасининг асосий ғояси вазифасини ўтайди.

Бир қатор олимлар (В.В.Краевский, Е.А.Крюкова, В.В.Сериков томонидан таълим жараёнига янгича ёндашувни қарор топтириш йўллари ва уларнинг моҳияти борасидаги тадқиқотлар амалга оширилган. Улар ўз ишларида касбий педагогик таълимнинг асосий вазифаси, ўқитувчининг мавжуд илмий билимлар билан қуроллантиришдангина иборат эмас, балки унинг шахс сифатида ўз мавқеини белгилаб олиши, ўзлигини англаши, ижтимоий муҳитга нисбатан муносабатини шакллантиришда ёрдам бериши лозим бўлган восита сифатида қарайдилар. Таълим олувчиларга билим беришда ўз фикрини ёқлаш, мавҳумлик ва авторитар мавқени эгаллашга уриниш ҳиссидан халос бўлишни таъминлаш лозим бўлади.

Педагогик фаолиятнинг инсонпарварлик тамойилига асосланувчи парадигмаси қуйидаги мезонларга таянади:

- миллий ҳамда жаҳон маданияти асослари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш;
- таълим ва тарzбия жараёнини ташкил этишда миллий истиқлол ғояларига асосланиш;
- шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда мустақил таълим олишга бўлган лаёқатига таяниш ва уни такомиллаштириш;
- ўқитувчиларнинг касбий жиҳатдан шакллантириш жараёнида ўқитувчи ҳамда талабаларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларига эришиш;
- педагогик таълимнинг фундаментал хусусият касб этиши, яъни, талабалар томонидан ўзгарувчан шароитларда шахс ижодий ривожи асосини таъминловчи инвариант билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш;
- меҳнат бозори ҳамда ижтимоий жараёнларда юзага келувчи ҳамда доимий равишда ўзгариб турувчи эҳтиёжларга тўлақонли жавоб бера оладиган таълимни шакллантириш шу асосда касбий мослашувчан мутахассисларни тарбиялаш;
- таълимнинг узлуксизлиги, таълимнинг ҳар бир жараён босқичининг натижаланишини таъминловчи касбий таълим дастурлари тизимини яратиш ва ривожлантириш, муайян дастурни таълимнинг у ёки бу босқичида ўқитилиши ёки ўқишни бошқа типдаги ўқув муассасида давом эттира олиш имкониятини бера олиши;
- таълимнинг эквивалентлиги, яъни унинг давлат таълим стандарти, миллий маданияти ва менталитет, шунингдек, халқаро меъёрларга мувофиқ даражаси.

Илмий далилларнинг назарий таҳлили, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, шунингдек, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини таъминлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи мезон, йўналиш ва психологик-педагогик шароитларни аниқлаш имконини беради. Булар қуйидагилардан иборатдир:

– бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришга қўйилаётган талабларнинг таълим муассасалари ҳамда жамият эҳтиёжлари билан ўзаро мувофиқлиги;

– бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг таълим ҳамда ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқлиги;

– бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг юқори даражадаги рефлексив бошқарувларидан иборат.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлигининг юқори даражада бўлишига эришиш қуйидаги ҳолатларда мавжудлигини тақозо этади:

– ўқитувчининг касбий ва шахсий шаклланиш даражаси бу йўлда ташкил этилган жараённинг умумий моҳиятини ёритувчи педагогик тизим самарадорлигига чамбарчас боғлиқ;

– ўқитувчининг касбий жиҳатдан шакллантиришни таъминловчи жараёнларининг ташкилий бошқаруви мақсадга мувофиқ тарзда такомиллашиб боради.

Рефлексив бошқарув аниқ мақсадда ташкил этилаётган жараён хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олиш, шунингдек, ҳар бир таъсирни унинг мазмунида намоён бўлувчи қонуниятлар билан мувофиқлаштиришни талаб этади.

Олий таълимда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда касбий ижтимоийлаштириш муҳим роль ўйнайди. Кенг ижтимоий нуқтаи назардан касбий ижтимоийлаштириш бир томондан шахснинг касбий шаклланиши ва ривожланиши, иккинчи томондан ўзида индивиднинг ижтимоий шаклланиши, бўлғуси педагогик фаолиятида зарур аҳамият касб этадиган ижтимоий тажриба, қадриятлар, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш жараёнини ўзида акс эттиради. Шунинг учун “касбий ижтимоийлаштириш” тушунчасини чуқур таҳлил этиш учун уни икки компонентини тадқиқ этиш лозим: “касбий шаклланиш” ва “ижтимоийлашув”.

Н.Муслимовнинг фикрича, касбий шаклланиш – шахс камолотининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, шахснинг фақатгина меҳнат ва касбий фаолиятни танлаш билан боғлиқ эҳтиёж ва қизиқишларини ифодалайди (умумий ривожланиш барча эҳтиёжлар мажмуасини, унинг борлиққа, атрофдагиларга, ўзига нисбатан муносабатлари тизимини ифода этади).

Ў.Қ.Толипов бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий шаклланишида улар томонидан қуйидаги касбий-педагогик малакаларнинг ўзлаштирилиши муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этиб ўтади: 1. Талабалар шахсини шакллантириш малакалари. 2. Талабаларнинг ўқув-касбий фаолиятини шакллантириш малакалари. 3. Шахсни касбий йўналишини шакллантириш малакалари. 4. Таълимнинг шакл ва методларини танлаш малакалари. 5. Педагог-режиссёрлик малакалари. 6. Турли ностандарт педагогик ҳолатларни таҳлил қилиш малакалари. 7. Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш малакалари. 8. Муҳандислик-техник (умуммуҳандислик, конструктив-техникавий, ташкилий-технологик ва махсус) малакалари.

Н.М.Эгамбердиева талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш нуқтаи назаридан “касбий етуклик” тушунчасини қўллашни таклиф этади ва унинг моҳиятини қуйидаги тарзда талқин этади: касбий етуклик (профессионаллашув) таълимни шундай йўналтирилганлигики, унга кўра

талабалар томонидан касбий фаолиятнинг қадриятли мазмунининг аниқланиши ҳамда қабул қилиниши, талабанинг ўзини мазкур фаолиятнинг субъекти сифатида англаши, ўзининг касбий ривожланиши, шу билан бирга иш мартабасидан келиб чиқиб мақсадларини режалаштириши ва унга эришиш усулларига эгалик қилиши зарур бўлади.

Д.Н.Арзиқулов томонидан олиб борилган тадқиқот ишида касбий шаклланиш жараёнини таҳлил қилиниб, "касбий қизиқиш", "касбий йўналтирилганлик" каби тушунчаларни аниқлаб берган. Муаллифнинг фикрига кўра, ёшларнинг касбий шаклланишига самарали ёрдам бериш мақсадида ушбу жараённинг объектив қонуниятларини билиш ва ўрганиш талаб этилади.

А.С.Валеев, А.В.Гришинларнинг фикрича, касбий таълим ривожида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг кўп босқичли (бакалавр, магистр) тизимига ўтилиши билан боғлиқликда касбий таълимнинг технократик парадигмасидан ижтимоий ва шахсий йўналтирилган моделига ўтиш йўналишлари аниқлаштирилди.

А.В.Репринцев ўқитувчини касбий тарбиялашнинг асосий ғоялари сифатида унинг касбий-педагогик маданиятини шакллантиришда ўқитувчининг нафақат маданият субъекти, балки объекти, у нафақат янги авлод маданиятини шакллантиради, балки унинг ўзи ҳам мазкур жараён маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Ҳозирги вақтда бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Компетентлик деганда, А.А.Дубасенюк реал ҳаётий вазиятларда юзага келадиган муаммоларни самарали ҳал этиш имконини берадиган шахснинг махсус қобилиятлари тизимини тушунади. Юқори даражада компетентлик ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилиятлари, ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини баҳолай олиш қобилияти сифатида кўриб чиқилади. Умуман олганда, таълимда компетентлик тушунчаси ёш авлоднинг замонавий жамият ҳаётига мувафаққиятли мослашувини ифода этадиган шахс тавсифи сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Шахснинг касбий шаклланишини белгиловчи  жараёнлар табиатини аниқлаш касбий педагогиканинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу жараёнлар моҳиятини қай даражада билиш инсоният фаолиятининг муҳим қирраларидан бири, биологик ва ижтимоий яшовчанлик ҳамда унинг равнақини белгиловчи омил ҳисобланган – ёш авлод тарбиясининг муваффақиятли амалга оширилиш даражасини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий шаклланиши бу ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик, технологик ҳамда махсус билимларнинг очиқ, ўзини-ўзи ривожлантирувчи тизими бўлиб, у давр талаби

ҳамда тадқиқотлар натижалари асосида мазмунан ўзгариб, узлуксиз равишда мазмунан бойиб боради.

Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, касбий шаклланиш қуйидаги усулларда акс эттирилиши мумкин: жараён схемаси асосида (даврлар, босқичлар, даражаларнинг вақт бўйича кетма-кетлиги кўринишида); фаолият тузилмаси тарзида (восита ва усуллар мажмуаси кўринишида, бу ўринда ўзаро таъсирлашув вақт бўйича эмас, қўйилган мақсадга кўра талқин қилинади).

Ижтимоийлашув масалаларини ўрганишнинг социологик ва ижтимоий-психологик йўналишларини ажратиш мумкин. Социологик йўналиш индивиднинг ижтимоийлашувини ижтимоий муносабатлар тизимига кириш учун маълум бир ижтимоий хусусиятларни ўзлаштириш билан алоқадорликди, ижтимоий-психологик йўналиш эса, ижтимоийлашувда онтогенез даврида ижтимоий меъёр, маданий қадриятларни ўзлаштириш жараёни акс этишини ифода этади.

Америкалик социолог Н.Смелзер "ижтимоийлашувни ижтимоий ролга мувофиқ келувчи кўникма ва ижтимоий установкаларни шакллантириш жараёни" тарзида аниқлаштирган. Г.Тард жамиятни яхлитликда авлоддан авлодга ўтиб бориш ҳамда қадрият ва установкаларни ўзлаштириш орқали индивидуал онгнинг маҳсули сифатида талқин этади. Унинг фикрича, қадрият ва установкаларни ўзлаштириш барча ижтимоий ҳаётнинг изоҳли тамойилини акс эттирувчи "тақлид" тушунчасида ўз ифодасини топади. Америкалик социолог Ф.Гиддингс ижтимоий организмнинг ташкил топишида истесъно тариқасида психологик асос ётади. Унинг фикрича, биргаликдаги ўзаро фаолият умумий қадриятлар таркиб топтириладиган ишонч ва тақлид механизми орқали содир бўлади. Жамиятнинг таъсири остида индивидда гуруҳий установкалар, идентив англанганлик таркиб топади. Америкалик олим Т.Парсонс жамиятни асосий функцияси биологик кўпайиш ва янги авлодни ижтимоийлаштириш йўли билан янгиланиш бўйича маълум бир қоидалар тизими асосида рационал ташкил топиш ва мавжуд бўлиш сифатида тасаввур қилган. Шунинг учун жамият шахс ижтимоий аҳамиятли ва назорат қилинувчи хулқ-атвор намуналарида иўтирок этиши учун адекват мотивациянинг ҳаётий цикли жараёнида ривожланиши учун ижтимоийлашув механизмларини ишлаб чиқиши лозим. Француз социологи Э.Дюргеймнинг концепциясида индивид ва жамиятнинг ўзаро ҳаракати жараёнининг асосида инсоннинг икки хил табиати ётади. Бир томондан, у индивидуалликни аниқлаб берувчи психик ҳолатлар мажмуидан ташкил топса, бошқа томондан ўз аждодларининг ғоялари, ҳис-туйғулари ва одатлари мажмуини оммалаштирувчи ҳамдир. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятда ўсиб келаётган авлодни ижтимоийлаштириш мақсадга

Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришни индивиднинг махсус билимлар, ижтимоий ва касбий кўникмалар, касбий талаблар, қадриятлар, касбий маданиятни эгаллаши, ижтимоий роль ва касб вазифаларини муваффақиятли бажаришига йўналтирилган кўп омилли ва босқичли жараён сифатида кўриб чиқиш ҳамда механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

## 1.2. Ижтимоий мослашув бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш омили сифатида

Педагоглик касбига қўйилаётган замонавий талаблар моҳиятидан англаш мумкинки, бўлажак ўқитувчининг ўз касб соҳасида мувафаққиятли фаолият юрита олишининг муҳим кўрсаткичи унинг ижтимоийлашув даражасидир. Сўнгги йилларда республикамизда бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий ижтимоийлашуви билан боғлиқликда М.Қуронов, Н.Муслимов, Д.Х.Насриддинова, Ш.Н.Мажитова, Ф.Р.Юзликаев, Н.М.Эгамбердиева, Ш.Ш.Олимов, М.Т.Мирсолиева, Н.Г.Исматова, З.Т.Салиева каби олимлар томонидан қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ижтимоийлашувини таъминлашда ижтимоийлашув ва мослашувнинг ўзаро алоқадорлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг мувафаққиятли ижтимоий мослашувини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида ижтимоий мослашув масаласи ҳам илмий адабиётларда турли жиҳатдан талқин этилган: ижтимоий мослашув ҳодисасининг моҳиятини аниқлаш; ижтимоий мослашувнинг хилма-хил қирраларини талқин этиш.

Мослашув (адаптация) тушунчаси (лотинча adaptation-мослашиш) илмий муомалага дастлаб немис физиологи Х.Ауберт томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида (1865 йил) аъзоларнинг ташқи муҳит ўзгаришларига мослашишини тавсифлаш учун қўлланилган. Физиологияда кенг қўлланилгач мослашув хусусий илмий тушунча сифатида қолсада, биологиянинг бошқа соҳаларида ҳам қўлланган. XX асрнинг ўрталаридагина мослашув атамаси тиббиёт, кибернетика, психология ва бошқа фанларда қўлланди ва ҳозирда умумилмий тавсифга эгадир. Мослашув ҳодисасининг кўплаб таърифлари мавжуд:

Мослашув (адаптация) – жонли системаларнинг ташқи муҳит билан муносабатида содир бўладиган мослашув жараёни – адаптогенезнинг маълум натижаси (Фалсафа: қомусий луғат).

Мослашув – табиат ёки жамият ҳаётида, инсоннинг маънавий-руҳий оламида кечадиган ўзига хос жараён бўлиб, бирон-бир муҳит ёки шароитга,

янгиликка мослашувни англатади (Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати).

Мослашув – организмнинг мавжуд шароитларга муваффақиятли жавоб қайтара олишидир. Мослашувнинг биологик, физиологик ва ижтимоий-психологик турлари мавжуд. Биологик мослашув деганда ҳайвонот ва ўсимлик турларининг ташқи муҳитнинг аниқ мавжуд шароитларига морфофизиологик кўникиши тушунилади. Физиологик мослашув эса ўзида асосида организмнинг атроф-муҳит ўзгаришларига мослашишга қодирлиги турадиган физиологик реакциялар йиғиндиси тушунилади. Ижтимоий-психологик мослашув шахснинг ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топа олишига қодирлигидир (Педагогик энциклопедик луғат).

Мослашув – субъектни муҳит талабларига (мослашув объекти) оптимал мос келишини таъминлашдир. Стабиллик бузилишида (субъектнинг бошқа муҳитга кўчиши, мухитнинг ўзини ўзгариши) тизимдаги объект ва субъектлар орасида ўзаро таъсир издан чиқиши вужудга келади. Бу эса функционал бузилиш, яхлитликнинг йўқолишига олиб келади. Натижада шундай мослашув вазияти пайдо бўладики, унда тизим ёки унинг айрим элементлари йўқотилган мувозанатни тиклашга интилади. Бундай вазият индивиднинг янги табиий ёки ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлган зиддиятларни ҳал этишнинг фаол, мақсадга йўналтирилган жараёни сифатида бахоланадиган инсон мослашувининг барча турларига хос (Н.Ю.Павленко ).

Мослашув тушунчаси остида одам ва муҳитнинг ўзаро таъсири жараёни тушунилади, унинг натижасида инсонда шу муҳит шароитларига нисбатан адекват ўзгарадиган хулқ-атвор моделлари ва стратегиялари ҳосил бўлади (Петропавловская С.М.).

Мослашув – бу организмнинг ташқи муҳит билан адекват алоқаларининг шаклланиш хусусияти. Шунингдек, мослашув бу организм фаолиятини ташқи муҳит эҳтиёжларига қараб ўзгартириш қобилияти ҳамдир (Н.М.Эгамбердиева).

Мослашув – ижтимоий-психологик жараён бўлиб, ички ва ташқи низоларга қарама-қарши ўлароқ инсоннинг ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошира олиши, ўз фаолияти натижаларидан қониқиш ҳосил қилиши (Д.В.Рязанова).

Мослашув – муҳит ва унинг ўзгаришларини фаол ўзлаштириш ҳамда муваффақиятли фаолият учун зарурий шарт-шароитни яратишга қодир реакциялар йиғиндиси (Е.Г.Щукина).

Мослашув – бу инсоннинг табиий ва ижтимоий муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатини тавсифловчи яхлит, тизимли жараён (Н.Исматова).

Мослашув тушунчасини таърифлашга ёндашувлар мазмунидан шундай хулосага келиш мумкин. Мослашув жараёни:

1) бир томондан индивид ва иккинчи томондан, муҳит эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилиши жараёни. Бу индивид ва табиат ёки ижтимоий муҳит орасидаги ўзаро уйғунлик ҳолати;

2) индивид ва табиат ёки ижтимоий муҳит орасидаги ўзаро уйғунликнинг вужудга келиши учун восита бўлиб хизмат қиладиган жараён.

Юқоридаги берилган таърифлар асосида ва тадқиқотимиз объекти билан боғлиқликда биз “мослашув” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз:

“Мослашув – ўзгарувчан таълимий муҳитда ўзини намоён эта олиш учун шахснинг янги шарт-шароитларни мувафақиятли ўзлаштириши, мавжуд шароитга мос мақомни эгаллашидир”.

Педагогика олий таълим муассасаси талабаларини ижтимоий мослаштириш муҳим муаммо эканлигини асослаш ҳақида гап борар экан, мазкур ҳолатда “ижтимоий мослаштириш” тушунчасининг педагогик талқинини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Чунки аксарият тадқиқотларда мослашувнинг ўзига хос тури сифатида “ижтимоий-психологик мослашув”га алоҳида эътибор қаратилиб, фақат унинг психологик жиҳатларини ёритиб бериш билан чекланилади. Бизнингча, ижтимоийлашув инсон ўзини жамиятда шахс сифатида англаб бориши жараёни экан, бу тарбия, таълим, ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида юзага келиб, инсон қачонки, ўз мақсадларини мустақил аниқлай олса ва уларга эришиш йўлларини белгилай олганида, ўз қадр-қимматини англаб етганида, жамиятдаги ўз ўрнига ишонч ҳосил қилган тақдирда амалга ошади. Педагогика фанлари доктори, профессор Н.М.Эгамбердиева таъкидлаб ўтганидек, шахснинг ижтимоийлашуви – таълим-тарбия таъсирида инсон психологик функцияларининг такомиллашуви, ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, хулқ-атвор меъёр ва қоидаларининг ўзлаштирилиши, дунёқарашининг бойиш жараёни ва натижаси. Хулоса қилиб айтганда, мослашув, шу жумладан ижтимоий мослашувга аниқ мақсадга қаратилган педагогик таъсир кўрсатиш натижаси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, баъзи олимлар “ижтимоийлашув” ва “ижтимоий мослашув” тушунчасини алоҳида-алоҳида талқин қилишга ҳаракат қилишса, баъзилари уларни бир тушунча сифатида баҳолашади.

Биринчи гуруҳ назарияси тарафдорларининг фикрича, ижтимоийлашув ижтимоий меъёр, хулқ-атвор тамойиллари ва қадриятларни узатиш ва уни инсон томонидан эгалланишига қаратилган мураккаб жараён бўлиб, у алоҳида шахсга маълум бир жамият фуқароси сифатида ўзини намоён этиш имкониятини беради. Ижтимоий мослашув эса, шахсга жамият томонидан берилган мазкур имкониятларни амалга оширилиш жараёнини ўзида ифода этади. Ижтимоий мослашув жараёнида алоҳида шахснинг хулқ-атвор меъёрлари ва

қадриятларининг у мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ қадриятлари билан ўзаро мос бўлиши таъминланади.

Иккинчи гуруҳ олимларнинг фикрича, инсоннинг аниқ бир жамият шароитларига мослашуви ёки ундан ажралиб чиқиши (индивидуаллашуви) ижтимоийлашув жараёнининг мазмунини ташкил қилади. Мослашиш субъект ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро фаол яқинлашув жараёни ва натижасидир. Индивидуаллашув инсоннинг объектив эҳтиёжлар билан боғлиқ ҳолда жамиятда маълум даражада алоҳидаликка интилиши бўлиб, унинг ёшлигиданоқ ўз-ўзини намоён қилишга бўлган ҳаракатларида пайдо бўлади.

Бизнингча, "ижтимоийлашув" ва "ижтимоий мослашув" тушунчаларига бундай тарзда ёндашиш ўринли эмас. Чунки айнан ижтимоий мослашув ижтимоийлашув жараёнининг тезлашуви ёки секинлашувига ўзининг аниқ таъсирини кўрсатади. Шахснинг янги жамоага қўшилишида низоларсиз мослашуви унинг муваффақиятли ижтимоийлашувини тезлашувига имкон беради.

М.С.Яницкий таъкидлаб ўтганидек, "ижтимоийлашув" ва "ижтимоий мослашув" жараёни ўртасидаги мустаҳкам алоқадорликни таъминлайдиган интеграллашган объект – таълим олувчи (педагогика олий таълим муассасаси талабаси – таъкид бизники) шахси. Олимнинг фикрича, ижтимоий мослашув шахснинг ижтимоий хулқ-атворини шакллантиришнинг мураккаб механизми сифатида содир бўлади ва ижтимоийлашувнинг сифат тавсифи сифатида намоён бўлади.

Бизнинг тадқиқотимизда мослашув жараёни педагогика олий таълим муассасаси талабасининг янги таълимий муҳитга ижтимоийлашувининг таркибий қисми сифатида муҳокама объекти тарзида қабул қилинади. Ижтимоий мослашув ижтимоийлашув механизмларидан бири сифатида, юзага келадиган қийинчилик ва муаммоли вазиятларни бартараф этиш эса янги ижтимоий тажриба – бўлажак ўқитувчи мақомини ўзлаштириш механизми сифатида тадқиқ этилади.

Мослашувга эҳтиёж шахсда маълум бир тизим билан келишмовчилик шароитидаги ўзаро таъсир ҳолатида пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида ўзгаришларни талаб этади. Бу ўзгаришлар шахснинг ўз-ўзи ёки тизим билан, бундан ташқари улар ўртасидаги ўзаро таъсир тавсифи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Яъни, шахснинг ижтимоий мослашувининг бошланғич нуқтаси бўлиб ташқи муҳитнинг ўзгариши билан аввалги хулқ-атвор самарасиз ёки кам самарали бўлиб қолиши натижасида айнан янгиликлар билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгишга нисбатан пайдо бўлувчи зарурат хизмат қилади.

Ижтимоий мослашув бўлажак ўқитувчи мақомига мувофиқ таълим олувчиларни ижтимоий муҳит томонидан қўйиладиган ва кутиладиган

талабларни қабул қилиш ҳамда уларга самарали жавоб қайтариши билан тавсифланади. Бошқача айтганда, мослашувчан хулқ-атвор қарорларини муваффақиятли қабул қилиш, ташаббус билдириш ва ўзининг келажаги билан боғлиқ бўлган аниқ тасаввурларга эга бўлиш билан боғлиқдир. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, самарали ижтимоийлашув белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) ижтимоий фаолият соҳасида мослашганлик, мазкур ҳолатда шахс билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш орқали умуммалакавий ва умумкасбий компетентликка эришади; 2) шахслараро муносабат соҳасида мослашганлик, бошқа кишилар билан чуқур эмоционал алоқаларни ўрнатиш жараёнлари, муваффақиятли ижтимоий мослашув учун зарур инсон хулқ-атвори мотивлари, шахс сифати ва характери, хулқ-автор тизими йиғиндиси.

Бўлғуси ўқитувчиларни ижтимоий мослаштиришнинг қуйидаги жиҳатларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) талабаларда ижтимоий мослашув жараёнининг кечиши мураккаб динамикликка эга бўлиб, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга қадриятли тасаввурларни ўзаро уйғунлашувини талаб этади;

2) талабалар учун ўқишнинг биринчи ва айрим ҳолларда иккинчи йили мураккаб вазиятлар билан бирга кечади;

3) олий таълим муассасасида таҳсил олиш жараёнида талабаларда ўз-ўзини англаш туйғуси ривожланади, атроф-олам ва борлиққа доир қадриятли муносабатлар тизимининг ривожланиши давом этади;

4) талабаларда базавий ўқув установкалари шаклланади;

5) талабалик йиллари ташкилий, методик, психологик тавсифга эга бўлиб, шахснинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувининг энг муҳим босқичидир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий мослашувига таъсир кўрсатувчи омилларни эса, уч гуруҳга ажратиш мумкин: ижтимоий, психологик, педагогик.

Ижтимоий омилларга талабанинг ёши, унинг ижтимоий келиб чиқиши, таълимнинг аввалги босқичида тугаллаган ўқув муассасасининг тури киради. Психологик омиллар ўз ичига ҳам индивидуал-психологик, ҳам ижтимоий-психологик омилларни қамраб олади: интеллект, йўналганлик (ориентация), шахсий салоҳият, гуруҳда ўз ўрнига эгалик. Ижтимоий мослашувга таъсир кўрсатувчи педагогик омилларга олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг педагогик маҳорат даражаси, университет ва факультетда ижобий-эмоционал муҳитнинг ташкил этилганлиги, ахборий-методик таъминланганлик кабиларни киритиш мумкин.

Муваффақиятли ижтимоий мослашув учун ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам талаба томонидан мақбул фаолият йўналиши, яъни биргаликдаги самарали фаолият йўлга қўйилишини талаб этилади. Талаба ўзи учун у ёки бу таълимий

мақсадга эришиш йўлларини излаши ва танлай олиши керак, профессор-ўқитувчидан эса мазкур ҳолатда фасилататор (қўллаб-қувватловчи) вазифасини бажариш талаб этилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, талабаларнинг ижтимоий мослашуви энг юқори даражасини бир пайтнинг ўзида ҳам муҳитни, ҳам ўз-ўзини ўзгартиришга қаратилган стратегиялар таъминлайди. Ижтимоий мослашувнинг меъёрий натижаси сифатида шахсдаги ички ўзгаришларни талаб қилмайдиган таълим субъектининг олий таълим муассасасига мослашиши, шунингдек, хулқ-атворнинг муқобил моделлари(муҳитни тарк этиш ёки янги шахсий ўзгаришларни қабул қилиш)дан бири юзага келади. Ижтимоий мослашувнинг яққол ифодаланган салбий самарадорликка эга паст даражаси субъектнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирга киришдан бош тортиши ва ўз ички дунёсига ғарқ бўлишида намоён бўлади. Бошқача айтганда, талабанинг хулқ-атвори ижтимоий дезадаптация кўринишида намоён бўлади.

## 1.3. Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг амалиётдаги ҳолати

1.2. параграфда баён этилганидек, бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш омиллари сифатида талабанинг ички дунёси, унинг фаоллиги, ўз-ўзини ривожлантиришга эҳтиёжи акс этади. Касбий ижтимоийлаштиришнинг объекти ва касбий фаолиятда инсоннинг ижодий салоҳиятини амалга ошириш шакли талаба шахсининг интеграл тавсифини акс эттиради: касбий йўналганлик, касбий компетентлик ва эмоционал хулқ-атвор.

Ана шу сабабли тадқиқот доирасида дастлаб талабаларининг ўқув фаолияти мотивлари ва мутахассисликни танлаш сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Талабаларнинг педагоглик касбини танлаш сабабларини аниқлаб берувчи жавоблари 1.3.1-жадвалда келтириб ўтилган бўлиб, респондентлар бир ёки бир нечта жавоб вариантини танлаш имкониятига эга бўлганликлари сабабли омилларнинг миқдор кўрсаткичи талабалар сонига боғлиқ ҳолда, фоиз кўрсаткичлари эса юзлик тизим асосида келтириб ўтилган. Кўпчилик талабалар олий маълумот олиш истагини ўқув фаолиятининг асосланган мотиви сифатида қайд этиб ўтишган.

Шунингдек, талабаларнинг катта қисми ота-онасининг истаги, оилавий анъанани давом эттириш мақсадида мазкур соҳани танлашганини қайд этиб ўтишган. 77% респондент талабалар жамиятда бугунги кунда мазкур соҳада ишлаш имкониятининг юқорилиги учун педагоглик касбини танлашганини

маълум қилишган бўлса, айримлари дўстлар ва яқинларнинг маслаҳати ҳамда тасодиф туфайли ўқишга киришганини айтиб ўтишган.

**Талабаларнинг бошланғич таълим ихтисослигини танлашга доир омиллари**

| Баҳолаш кўрсаткичлари | Талабаларнинг натижалари | |
|---|---|---|
| | n=248 | % |
| Касбга қизиқиш | 68 | 27,4% |
| Олий маълумотли бўлиш истаги | 171 | 69,0% |
| Аввалги босқичда мазкур йўналишда таълим олганлик | 19 | 7,7% |
| Мазкур соҳада яхши қобилиятга эгалик | 51 | 20,8% |
| Давлат гранти асосида ўқиш | 27 | 10,9% |
| Дўстлар ва яқинларнинг маслаҳати | 20 | 8,1% |
| Олий таълим муассасасининг яхши обрўга эгалиги | 21 | 8,5% |
| Тасодифан | 8 | 3,2% |
| Мазкур касбга эҳтиёжнинг юқорилиги | 77 | 31,1% |
| Ота-онанинг истаги | 146 | 58,9% |

Талабаларининг ўқув фаолияти мотивларини ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, бошланғич таълим методикаси йўналишида таҳсил олаётган талаба-қизларда шаклланган мотивлар олий таълимда ўқишнинг сўнгги натижаси (“юксак малакали мутахассис бўлиш”, “бўлажак касбий фаолият мувафаққиятини таъминлаш”, “диплом олиш”) кўринишига эга бўлса, талаба-йигитларда шаклланган ўқув мотивлари таълимнинг ташкилий жиҳатлари “навбатдаги машғулотга тайёр бўлиш”, “профессор-ўқитувчиларнинг талабларини бажариш”, “яхши стипендия олиш”)га йўналганлиги билан ажралиб туради. Барча талабалари учун ўртача аҳамиятлиликка эга умумий мотив профессор-ўқитувчилар томонидан ҳурматга эришиш установкасидир. Педагоглар меъёр, қадрият, маданиятни узатувчиси ва муҳим ижтимоийлашув агентлари сифатида талабаларнинг касбий ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайдилар.

Ўз навбатида мазкур ҳолат бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, жумладан, бошланғич таълим ўқитувчиларини касбий тайёрлаш моделини такомиллаштириш, интерфаол таълим стратегиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш йўлларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

## Биринчи боб бўйича хулоса

Олий таълимда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда касбий ижтимоийлаштириш муҳим роль ўйнайди. Кенг ижтимоий нуқтаи назардан касбий ижтимоийлаштириш бир томондан шахснинг касбий шаклланиши ва ривожланиши, иккинчи томондан ўзида индивиднинг ижтимоий шаклланиши, бўлғуси педагогик фаолиятида зарур аҳамият касб этадиган ижтимоий тажриба, қадриятлар, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш жараёнини ўзида акс эттиради. Шунинг учун "касбий ижтимоийлаштириш" тушунчасини чуқур таҳлил этиш учун уни икки компонентини тадқиқ этиш лозим: "касбий шаклланиш" ва "ижтимоийлашув".

Ижтимоийлашувнинг алоҳида йўналиши сифатида касбий ижтимоийлаштиришга доир турли ёндашувларни таҳлил этиш асосида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоийлаштиришни яхлит тизим сифатида талқин қилиш ва ҳар томонлама чуқур ўрганиш лозим, деган хулосага келинди.

Муваффақиятли ижтимоий мослашув учун ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам талаба томонидан мақбул фаолият йўналиши, яъни биргаликдаги самарали фаолият йўлга қўйилишини талаб этилади. Талаба ўзи учун у ёки бу таълимий мақсадга эришиш йўлларини излаши ва танлай олиши керак, профессор-ўқитувчидан эса мазкур ҳолатда фасилататор (қўллаб-қувватловчи) вазифасини бажариш талаб этилади.

# II БОБ. БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

## 2.1. Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятлари

Таълимий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида бўлажак ўқитувчиларни педагогик ҳамда хусусий-методик билим, кўникма ва малакасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлашувида ўзига хос ўрин тутувчи дидактик имкониятларни аниқлаб олиш, таълим жараёнини самарали ва тўғри ташкил этилишини таъминлайди.

Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш дидактик жараёнларни самарали ташкил этиш ва бошқаришни тақозо этади. Ана шу сабабли тадқиқотда “бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятлари” тушунчаси аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимини лойиҳалаштириш, интерфаол таълимга устуворлик бериш асосида касбий-дидактик мослашувни жадаллаштириш, инновацион компетентликни қарор топтириш мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари мажмуини ўзида ифода этиши ҳақидаги хулосага келинди (2.1.1-расмга қаранг).

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни касбий ижтимоийлашувига ёрдам берувчи муҳим дидактик имкониятлар сифатида қуйидагилар аниқланди:

1. Касбий-педагогик фаолиятни дидактик лойиҳалашнинг назарий жиҳатлари: дидактик инновациялар ва ғоялар даражасида янгиликлар киритиш; ўқув жараёнига янгиликларни татбиқ этиш (шакл, метод, воситалар, технологиялар); таълим мазмунига ўзгартириш ва янгиликлар киритиш (таълим дастурлари, лойиҳалар); таълим жараёни сифатини ташхис этиш ва баҳолашнинг замонавий усуллари; инновацион фаолиятни амалга ошириш шакллари: инновацион лойиҳалар ва дастурлар.




**2.1.1-расм. Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятлари**

2. "Касбий вазифа" тушунчаси ва унинг таълим жараёни мақсади билан алоқадорлиги; анъанавий таълимдаги касбий вазифаларнинг турлари ва кўринишларини таҳлил этиш; янги педагогик тафаккурнинг шаклланиши ва касбий вазифаларнинг ўзгариши; касбий-педагогик вазифаларнинг асосий гуруҳи: таълим жараёнида таълим олувчи шахсини ҳар томонлама тасаввур эта олиши; таълимнинг аниқ бир даражасида мақсадга эришишга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш; таълим жараёнининг бошқа субектлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрната олиши; касбий мустақил таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш; педагогик мақсадларга мувофиқ таълимий муҳитни яратиш ва фойдаланиш.

3. Касбий-коммуникацион маданият: мулоқот турлари: коммуникатив стратегия ва тактика; педагогик дискурснинг ўзига хосликлари; оғзаки ва ёзма касбий нутқнинг ўзига хослиги; педагогнинг нутқий этикаси; педагогик риториканинг қонуниятлари; касбий мулоқотда юзага келадиган типик тўсиқлар ва уларни ҳал этиш усуллари; касбий комминикация учун зарур турли жанрдаги материалларни яратиш ва таҳрирлаш кўникмаларини такомиллаштириш; нотиқлик маҳорати асослари.

Ушбу ўринда фундаментал, хусусан, педагогик ва хусусий-методик билимларни ўзлаштиришда фанлараро уйғунликни таъминлаш масаласини таҳлил этиш учун уларнинг методологик асослари борасида етарли

маълумотларга эга бўлиш зарур. Педагогик фанларнинг гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий фанлар ҳамда хусусий-методик фанлар билан ўзаро алоқаси кўп қиррали муаммодир. Шу боис мазкур муаммога назарий, методологик ва амалий жиҳатдан ёндашиш тақозо этилади.

Турли йўналишларга тааллуқли билимлар асосларини интеграциялаш уларнинг фан, таълим, техника, технология, ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиёт соҳаларида рўй бераётган ўзгаришларнинг ижтимоий жиҳатдан асосланишига замин яратади.

Педагогик билим – субъект томонидан амалга оширилувчи барча турдаги фаолиятни йўлга қўйиш имконини берувчи тизим ҳисобланади. У ташкилий, хўжалик, ижтимоий ва иқтисодий мазмунга эга фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, жамият моддий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида педагогик хусусиятларнинг намоён бўлишини асослайди.

Ўз навбатида хусусий-методик билимлар бўлажак мутахассисда қатъиятлилик, пухта режалаштириш, юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни баҳолай олиш, вазиятга оқилона ёндашиш каби сифатларни тарбиялаш имкониятига эга. Бу кўп жиҳатдан субъектнинг ижтимоий ва ижтимоий-педагогик йўналганлиги, шунингдек, жамият ҳаётига тобора чуқур сингиб бораётган техника тараққиёти билан боғлиқ.

Математика ва табиий ҳамда гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар билан бир қаторда хусусий-методик билимлар негизида ҳам педагогик билимлар кўзга ташланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлар асосида педагогик ва хусусий-методик билимларни интеграциялаш асослари хусусида сўз юритамиз. Билимларни интеграциялашнинг муҳим асоси сифатида дунёнинг моддий яхлитлиги, материя ва унинг ривожланиш қонунлари, хусусиятлари тан олинган умумий омил бўлиб қолди.

Билимлардан фойдаланиш ва синтез қилиш асослари фанларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи методологик, гносеологик, онтологик ва ижтимоий асосларидан иборат.

Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва математик-техник фанлар ўзаро боғлиқлигининг асоси, инсон онгида техникавий тараққиёт ҳамда жамият ўртасидаги объектив боғлиқликларнинг акс этиш жараёни ҳисобланади.

Шу билан бирга билимларни интеграциялашда генетик асослари ҳам намоён бўлади. Ушбу ҳолат идрок этиш тизимларининг ўзаро боғлиқлиги, муносабатларнинг мавжуд тажрибаларига асосланиши билан боғлиқ.

Мазкур ўринда педагогик билимларнинг шаклланиш тарихига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Педагогика ОТМлари талабаларининг касбий

ижтимоийлашуви жараёни қуйидаги ғояларга устуворлик бериш асосида ташкил этилишини таъкидлаб ўтиш мумкин:

а) педагогик билимларнинг яратилиш масаласини таълим ва тарбия тизимининг қарор топиши ҳамда инсон фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида педагогиканинг ҳам юзага келиши муаммосидан алоҳида ўрганиш мумкин эмас;

б) таълим ва тарбиянинг генетик, бошланғич асоси методика ва педагогика, шунингдек, методик ва педагогик билимлар ўртасидаги юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади;

в) бўлажак ўқитувчиларда касбий ижтимоийлашувнинг генетик моҳиятини тушунтиришнинг энг самарали методологик воситаси таълим ва тарбиянинг келиб чиқишига нисбатан маданий-генетик ёндашув саналади.

Таълим ва тарбиянинг юзага келиши сабабларини тушунтиришда ижтимоий-генетик ва маданий-генетик ёндашувлардан фойдаланилади.

Тадқиқот мазмунида, ижтимоий-генетик ва маданий-генетик ёндашувлар яққол намоён бўлади. Таълим ва тарбия тизимининг шаклланишига нисбатан ижтимоий-генетик ёндашув кишилик жамияти тараққиётининг маълум босқичида мавжуд ижтимоий билимларни вужудга келган мерос сифатида қабул қилиш эҳтиёжининг юзага келиши сабаб бўлганлигини тавсифлайди.

Кишилик жамияти тараққиётининг маълум босқичида биологик эволюциянинг моҳияти ўзгариб, ижтимоий фаолият юзага кела бошлади. Муҳим ҳаётий фаолиятларнинг янги турлари пайдо бўла бошладики, оқибатда мавжуд билимларни биологик йўл билан авлодларга узатиш мумкин бўлмай қолди. Бу борада янги механизмга эга бўлиш эҳтиёжи туғилди. Мазкур эҳтиёж ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни йўлга қўйиш асосида қондирила бошланди. Бироқ ижтимоий-генетик концепция шахс тарбияси хусусиятларини етарли даражада тушунтириб бера олмайди.

Таълим ва тарбиянинг юзага келишига нисбатан маданий-генетик ёндашув Л.С.Выготский томонидан асосланган шахснинг маданий-тарихий концепцияси ва А.Леонтьев томонидан тавсифланган фаолиятнинг психологик хусусиятларга эга бўлиши назариясига асосланади.

Дидактик синтез ва фанлараро алоқалар технологик тизимларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, психопедагогик ҳодисалар мазмунини таққослаш ва улар борасида қарор қабул қилиш имконини беради.

Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг якуний мақсади сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- бўлажак педагогларни касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлашда асосий эътибор ўқув фани воситалари, педагогик фаолият мазмуни ва талабанинг шахсий имкониятлари асосида шакллантиришга қаратилади;

- касбий-педагогик фаолиятнинг мазмуни, вазифалари, ушбу жараёнда ҳал этилувчи муаммолар ва юзага келиш эҳтимоли бўлган қийинчиликлар хусусида яхлит тасаввурга эга бўлган ҳолда шахсий фаолликка эриша олишига асосланади;

- бўлажак педагогларни психологик-педагогик нуқтаи назардан тайёрлаш аниқ мақсад, яъни педагогик ва психологик билимларнинг таълим муассасасида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги билан белгиланадиган тузилмаси ва мазмунига йўналтирилган;

- бўлажак педагогларни касбий-педагогик фаолиятидан кутиладиган ва эришиш мумкин бўлган натижалар талаба шахси, унинг йўналганлиги (талаблари, қизиқиши, қадриятли йўналиши, иши, онги, сабаблари); маълумот даражаси (билим, малака, кўникмалари, билимларини доимий равишда бойитишга интилиши ва маҳорати); тарбияланганлик ҳолати (маънавий, эстетик, жисмоний, меҳнат ва ҳоказо жиҳатдан); ижтимоийлашуви (фаол касбий ва ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлиги, билим олишни давом эттириши, ижтимоий ва қадриятли қоидаларни қабул қилиши); маданиятлилиги (ижтимоий-маданий қадриятларини қабул қила олиши, интеллектуал, иқтисодий, экологик, маданият, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти, муносабатлари мазмуни ва хулқ) каби ҳолат билан белгиланади.

Бўлажак педагогларни касбий-педагогик тайёргарлиги мазмунини лойиҳалаштириш жараёнининг асосий, якуний мақсадни аниқлашдан унинг якуний натижасини лойиҳалаштиришгача бўлган даврни ўз ичига олувчи ўзаро мантиқий босқичлар ўз ифодасини топади.

Бўлажак педагогларни касбий фазилатлари тизимини моделлаштириш тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминлашга хизмат қилувчи омиллардан бири саналади. Шу боис педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик модели, унинг моҳияти ва шартлари хусусида маълумотларга эга бўлиш талаб этилади. Диссертация ишининг 2.2 параграфида ана шу масала юзасидан сўз юритилади.

## 2.2. Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик модели

Сўнгги вақтларда касбий ривожланиш, касбий фаолит ёки шахсни шакллантириш муаммоларига бағишланган турли психологик-педагогик тадқиқотларда мазкур жараённи ташкил этишнинг хилма-хил моделларини учратамиз (Н.Муслимов – касб таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг масалали-фаолиятли модели, Н.Эгамбердиева – маданий-инсонпарварлик ёндашуви асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришнинг назарий модели ва бошқалар).

Тадқиқотчилар мутахассис моделига хилма-хил таъриф беришади. “Мутахассис модели” тушунчасига нисбатан турли қарашлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар мутахассис модели дейилганда, муайян соҳа мутахассисининг умумлаштирилган образи сифатида ўрганилаётган объектнинг асосий хусусиятларини акс эттирувчи тасвирий ўхшатишни тушуниш кераклигига урғу берадилар.

Моделнинг муайян вақтнинг ўзида тасвирий шаклни аниқлаш ҳамда уни қуриш “технологияси”дан иборат эканлигини қайд этувчи қарашлар ҳам мавжуд.

Учинчи гуруҳ вакиллари эса “мутахассис модели” тушунчаси моҳиятида билим, кўникма ва малакалардан ташқари шахснинг шахсий сифатлари, маданияти ва бошқа хусусиятлари ҳам намоён бўлиши зарурлигини ёқлайдилар.

Н.К.Сергеевнинг фикрича, модел – аниқ меъёрий ҳужжатларда акс этган мутахасссис қиёфаси. Мутахассис модели халқ ҳужалиги объектив талаблар тизими баёни сифатидаги мутахассислик паспортини ўзида акс эттиради.

Е.И.Рогов томонидан, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнини моделлаштиришга нисбатан умумметодологик ёндашув ишлаб чиқилган. Моделда кутилаётган натижа ва унга эришиш йўлларининг узвий бирлиги акс этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, муаллиф қуйидагиларни баён этади: “Мутахассис модели муаммоси ўқув режалари каби ўқув дастурларининг ҳам мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади”.

Касбий тайёргарликнинг сифати қуйидаги учта асосий вазиятнинг асосланганлик даражасига боғлиқдир: ўқитиш мақсадлари (нима учун ўқитилади?), ўқитиш мазмуни (нима ўқитилади?) ва ўқув жараёнини ташкил этиш тамойилари (қандай ўқитилади?) даражасига боғлиқ бўлади.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёни мураккаб хусусиятга эга бўлиб, бу жараёнда мақсаднинг аниқ белгиланиши, мутахассис моделининг таркибий асосларини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Н.А.Муслимовнинг фикрича, мутахассис модели қуйидаги учта таркибий асосдан ташкил топади:

1. Янги ижтимоий босқичга хос бўлган хусусиятлар асосида юзага келган фаолият турлари.
2. Касбий талаблари аниқ кўрсатиладиган фаолият турлари.
3. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси ҳамда унинг маънавий-ахлоқий тизими моҳиятига кўра ташкил этилувчи фаолият турлари.

Юқорида келтирилган фаолият асослари маълум мутахассис учунгина эмас, балки барча мутахассисликлар вакиллари учун ҳам зарур бўлган маҳорат (шунингдек, маълум билимлар)ни ўз ичига олади. Масалан, ўқиш маҳорати, жамоани бошқара олиш, ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлик.

Кейинги икки фаолият тури маълум касб учун қўйилувчи аниқ талаблар даражасини белгилайди.

Аммо, олий маълумотли мутахассислар томонидан ташкил этилувчи фаолият турларига кўра барча талабларни қуйидаги учта гуруҳга бирлаштириш мумкин: 1) тадқиқотчилик фаолиятини олиб боришга имкон берувчи маҳорат; 2) умумкасбий ва ихтисосолик фанлари бўйича назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда зарур бўладиган маҳорат; 3) талабаларни педагогик ва методик фаолиятга тайёрлашни таъминловчи маҳорат.

Тузилиши нуқтаи назаридан мутахассис модели уни ўзгартириш ва тузатиш имконини берувчи, фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ва осон ташҳис (диагностика) қилинадиган таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур. Икки қисмли тузилмага эга бўлган мутахассис модели энг кўп тарқалган модел ҳисобланади.

Мутахассис модели – бу ишлаб чиқариш соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Ушбу моделни яратишда касбий фаолиятнинг маълум тури учун мувофиқ келадиган шахсий сифатлар тўплами тартибга солинади. Мутахассис моделининг турларидан бири малакавий тавсифнома ҳисобланади. Унинг мазмунида қуйидаги ҳолатлар акс этади: турли лавозим ва турли иш жойлари учун хос бўлган касбий фаолият турлари, вазифа ва мажбуриятлар, шахсий сифатлар, билим ва кўникмалар. Бундай моделлар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини тузишда муҳим аҳамият касб этади.

Малакавий тавсифнома меъёрий модел деб ҳам аталади. Бу мутахассис фаолияти ва шахсига қўйиладиган умумий талабларни акс эттирувчи махсус паспортдир.

Малакавий тавсифнома борасидаги яхлит ва амалий аҳамиятга эга маълумотлар Е.М.Борисова томонидан аниқланган. Муаллиф фикрича, малакавий тавсифноманинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий хусусиятлар.
2. Фаолиятнинг асосий соҳа ва турлари.
3. Улар фаолият олиб борувчи ташкилотларнинг турлари.
4. Улар эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар.
5. Шахсий сифатларга нисбатан қўйилувчи талаблар.
6. Касбий маҳоратга қўйиладиган талаблар.
7. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг тартиби.
8. Касбий билим даражасига қўйиладиган талаблар [30].

Мутахассис касбий фаолияти модели турларидан бири касбий тавсифнома (профессиограмма) ҳисобланиб, у инсоннинг шахсий сифатлари, психологик қобилият ҳамда жисмоний имкониятларига қўйиладиган касбий талаблар, шунингдек, касбий шаклланиш технологияларини муайян тартибга солувчи ҳужжатдир.

Касбий тавсифнома мутахассисга касб талабларини самарали бажариш, ижтимоий жамият учун зарур бўлган маҳсулотни олишга имкон берувчи, айни вақтда ишчи томонидан ўз шахсининг ривожланиши учун шароитлар яратувчи, мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларининг касбнинг илмий жиҳатдан асослашга имкон берувчи меъёр ҳамда талаблар мажмуидир.

Касбий тавсифнома маълум соҳа бўйича фаолият юритувчи мутахассиснинг муваффақиятли равишда умумлаштирилган намунавий модели саналади. Бироқ айрим ҳолатларда профессиограммада «ўрта» даражадаги касбий фаолиятни бажариш вариантлари ҳам инобатга олинади. Профессиограмманинг мазмуни ва тузилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Намунавий касбий тавсифнома қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1) мутахассислик таълим йўналиши, билим соҳаси ва ихтисослик номи;

2) касбий таълим (таълим шакллари, ўқишга кириш шартлари, таълимнинг давомийлиги, эгалланадиган малака даражаси, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари), ўқишни давом эттириш;

3) психограмма касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат);

4) меҳнатнинг санитария-гигиеник шароитлари (иш тартиби, сенсомоторли ва перцептив доирадаги тиббий кўрсатмалар).

Меҳнат фаолиятининг умумий (ижтимоий, технологик, иқтисодий, санитария-гигиеник) хусусиятлари энг оммалашган касбий тавсифномада касбий фаолиятнинг мақсади, предмети, усули, натижаларни баҳолаш мезони, зарур малакавий хусусиятлари, воситаси, шарти, ташкил этилиши, меҳнат кооперацияси, меҳнат омилкорлиги, хавф-хатар турлари ва уларнинг ишчи ҳаёти ва фаолиятига бўлган салбий таъсири ёки фаолият натижаси учун фойдаси каби ҳолатлар ўз аксини топади.

Е.М.Иванова томонидан таклиф этилаётган таҳлилий касбий тавсифномада “касбий фаолият ва шахснинг касбий аҳамиятли сифатлари, унинг алоҳида жиҳатлари эмас, касб (ёки касбий фаолият)нинг психологик тузилмасини умумлаштирувчи меъёрий ва морфологик кўрсаткичлар” ёритилади.

Таҳлилий касбий тавсифномада қуйидаги икки блокнинг алоҳида қайд этишнинг зарурлиги таъкидланади: 1) маълум шахсга боғлиқ бўлмаган ва

ижтимоий тажрибаларга асосланувчи касбий фаолиятнинг объектив хусусиятларини тавсифлаш; 2) объектив фаолиятга симметрик, бироқ у билан мос келмайдиган психологик мазмунга эга фаолият ва унинг сифатларини тавсифлаш.

Анча мураккаб турдаги профессиограмманинг таркибий тузилмаси, касбий фаолиятнинг моҳияти, шунингдек, мутахассис шахсини тавсифлаш (трудограмма ва психограмма) имкониятини берувчи тузилма билан танишамиз.

“Касбий фаолият тавсифи”нинг мазмунида қуйидагилар акс этади:

1. Касбнинг йўналганлиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий маҳсулот ёки ғоялар ишлаб чиқариш, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва тарқатиш)нинг инсонга йўналтирилганлиги.

2. Касбнинг кенг тарқалганлиги (ушбу касб бўйича фаолият олиб борувчи ташкилотлар).

3. Касбнинг меҳнат предмети – инсон учун меҳнатни ташкил этиш жараёнида таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар (моддий буюмлар, ижтимоий-ғоявий предметлар – маданият, ахборот, маълум шахс ёки омманинг ижтимоий онги, нотабиий буюмлар).

4. Касбий билимлар муайян йўналишда фаолиятни ташкил этишнинг турли жиҳатлари борасидаги маълумотлар тўплами сифатида.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жараёнида қўлланилувчи техника, технология, ҳаракат, усул, маҳорат ва иш методлари, фаолиятлар ҳамда уларнинг кўлами, умумлаштирилган ва автоматлаштирилганлиги.

6. Меҳнат воситалари – зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида хусусий мақсадни амалга ошириш, меҳнат предметига таъсир кўрсатиш мақсадида инсон томонидан фойдаланадиган ижтимоий (моддий ва маънавий) омиллар. Меҳнат воситалари сирасига иш қуроллари, асбоб-ускуналар, копьютерлар ҳамда мантиқий фикрлаш, ахлоқий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари киради.

7. Меҳнат шароит лари: меҳнат ва дам олиш тартиби, уларни ўзгартириш имкониятлари; ижтимоий муҳит хусусиятлари; меҳнатнинг санитария-гигиеник омиллари; иш жойи, меҳнат суръати, жадаллиги ва ишнинг давомийлиги.

8. Меҳнатни ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликка эришиш: ушбу касб учун характерли бўлган индивидуал, ҳамкорликка асосланувчи ва гуруҳли фаолият турлари: касбий муносабатлар турлари ва унда унинг иштирокчилари тутган ўрин, улар ўртасида меҳнат воситалари ва маҳсулотларнинг алмашиши; ишни бажариш меъёрлари ва муддати; лавозимлар ёки лавозимлар тартиби бўйича бўйсуниш, касб доирасидаги ижтимоий мавқе ва мансаб.

9. Меҳнат маҳсулоти (ёки унинг натижаси): инсон томонидан меҳнат жараёнида содир этилувчи сифат ва миқдор ўзгаришлари, меҳнат натижаларини

баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат натижасининг муайян даражаси (меҳнатни касб тақозоси учунгина бажарилишидан ижодий хусусият касб этишига эришилиши), қатъий тартибларнинг белгилаб қўйилиши.

10. Касбий маҳоратнинг мавжуд даражалари ва малакавий разрядлар, уларга ҳақ тўлаш тартиби.

11. Мутахассиснинг хулқи: психологик ва ижтимоий хавфсизлик, касбий фаолиятида қулай микромуҳитнинг мавжудлиги; ижтимоий кафолатлар, меҳнат ва дам олишга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат фаолиятини бажаришнинг индивидуал методини танлаш ва операцияларни индивидуал тарзда ўзгартириш ҳуқуқининг мавжудлиги, малакани ошириш, турдош касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги имтиёзлар, лавозим бўйича «ўсиб бориш» тартиби ва мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўсишининг рағбатлантирилиши.

12. Мутахассиснинг мажбуриятлари: касбий малакани эгаллаш, касбий ҳулқ-одоб қоидаларининг мажбурийлигини билиш (касбдошлари билан муносабатда самимий, ахлоқли бўлиш); иш жараёнида касбий ва хизмат сирларини сақлаш қоидаларига амал қилиш, ҳужжатларни тўғри юритиш; муайян чекланишлар (яъни, ушбу фаолият жараёнида маълум хатти-ҳаракатларни содир этишнинг таъқиқланганлиги); лавозим бўйича вазифалар ва мажбуриятлар (у ёки бу ташкилотда муайян лавозимга кўра мутахассиснинг қандай вазифаларни қай тарзида бажариши).

13. Касбнинг инсон хулқ-атвори ва яшаш тарзига кўрсатувчи таъсири.

14. Ўз-ўзини шакллантириш, физиопсихологик ривожланиш йўналишлари, биопсихологик ўзгаришлар, касб воситасида қарор топувчи индивидуаллик, унинг шахсни ривожлантириш борасидаги имкониятлари, касбий жиҳатдан таркиб топган муайян жамоа ҳамда ижтимоий гуруҳга мансублик.

15. Касбий фаолиятнинг салбий жиҳатлари: қийинчиликлар, касбий фаолият жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, уларнинг турлари ва кўлами, рўй бериш эҳтимоли бўлган моддий ва маънавий йўқотишлар, мураккаб вазиятларнинг мавжудлиги, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ёки тўхталишларнинг содир бўлиши, монотонлик, вақтнинг чегараланганлиги, ахборот етишмовчилиги ёки уларнинг кўплиги; касбий жиҳатдан юқори лавозимларга кўтарилишнинг мумкин эмаслиги, паст даражадаги меҳнат самарадорлиги, мавжуд қоидаларни бузганлик учун белгиланувчи маъмурий жазо (жарималар) турлари.

Педагогик тайёргарликнинг мақсади касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида талабанинг ўзини англаш, баҳолаш ва бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш ва турли таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш саналсада, педагогик туркум фанлар асосларини ўрганиш вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозимлигини кўрсатди: аниқ педагогик вазиятда маълум масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида

педагогик тафаккурни ривожлантириш; бўлажак ўқитувчининг педагогик-шахсий маслагининг асоси сифатида педагогик билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга эришиш; бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш; муҳим касбий сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириш.

## 2.3. Интерфаол таълим асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик тизими

Таълим тизимини модернизациялаш ва уни шахс имкониятларига тўлиқ мослаштиришга кўмаклашувчи замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири таълим олувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик, креативлик сифатларини қарор топтириш ва ривожлантиришдан иборат этиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, мутахассислар тайёрлаш тизимини модернизациялаш, педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири – уларда касбий фаолиятга нисбатан интерфаол ёндашувни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқида бугунги кунда ёшлар билан ишлаш, жамиятда уларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий фаолликларини ошириш масаласи хусусида тўхталиб, бу борада “...ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерактив усуллар қўлланмаётганини қайд этиш лозим”лигига алоҳида эътибор бериб ўтди.

Дарҳақиқат, жамият ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим-тарбия жараёни, унинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари, мутахассислар тайёрлаш жараёнига таъсирини таҳлил этганда, бўлажак ўқитувчиларда креатив фаолиятга бўлган эҳтиёж қуйидагилар билан белгиланишини аниқладик:

Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таълим тизими, методологияси ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилашни талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг фаолияти педагогик янгиликлар яратиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашдан иборат. Бу эса, ўз-ўзидан бўлажак педагогларда креатив қобилятларини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни амалиётга татбиқ этишга нисбатан бўлажак ўқитувчиларда фаол майлларни ривожлантириш

кабилар тадқиқот муаммосининг ижтимоий, педагогик-психологик жиҳатдан долзарблигини ифодалайди.

Кўриниб турибдики, талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг зарурлиги ўзаро фаол муносабатлар таъсирида ривожланадиган кўникмаларни шакллантириш имконини беради. Бу эса олий таълим муассасаларидаги таълим муҳити, ўқитиш шарт-шароитлари ва методларининг интерфаол характер касб этишини таъминлашни талаб қилади.

Бугунги кунда ўқитувчининг шахсияти ва фаолиятига бўлган талаблар билан олий таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик даражалари орасида сезиларли зиддиятлар кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда ўқитувчилар тайёрлашнинг мавжуд тизими билан бўлажак ўқитувчи фаолиятининг касбий-ижодий тавсифи орасида ҳам номутаносибликлар кузатилмоқда. Бунинг натижасида ўқитувчилар билан таълим олувчилар орасида тўсиқлар ва бўшлиқ вужудга келди, ўқитувчининг таълим жараёнидаги якка ҳукмронлиги қарор топди. Шу билан бир қаторда, улар аксарият ҳолларда асосан ўқув дастурлари ва дарсликларга боғланиб қолдилар, уларнинг креатив фаолиятларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмади. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчилик касбининг ижтимоий мавқеи ва обрўсига путур етказди. Чунки бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизими жамият эҳтиёжлари ва унинг ўткир муаммоларидан узоқлашган эди. Шу нуқтаи-назардан, эркин ва шахсга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини шакллантириш, бугунги кунда педагогик тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда педагогик-психологик тадқиқотларнинг асосий йўналиши сифатида таълимни инсонпарварлаштириш, шахсга йўналтирилган таълим, ўқитишни индивидуаллаштириш, таълим шаклларини оптималлаштириш, таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, бу жараёндаги ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берилмоқда.

Интерфаол таълим – бўлажак мутахассислардаги касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг энг самарали шаклларидан саналиб, унда талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган шахс мустақиллиги таъминланади ва ривожлантирилади.

Тадқиқотчилар Т.С.Банина ва Л.Н.Вавиловалар интерфаол таълимнинг самарали жиҳатларини қуйидагича баҳолайдилар:

1. Интерфаол таълим талабалардаги билиш жараёнларини фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллаш олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланиш имконини беради.

2. Интерфаол таълим методлари ва технологиялари – таълим олувчилардаги мотивацияни, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмаларини, тадқиқотчилик фаоллиги, креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантиради.

3. Интерфаол таълим муҳити таълим олувчиларда муаммоларни кўра билиш, таҳлили қилиш, фаол ҳаётий позицяни шакллантириш, толерантлик, ўзгалар фикрига ҳурмат, жамоадаги ҳамкорлик, ҳаётий қадриятларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитларни яратади[160].

Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш масаласи турли даврларда турли муаллифлар томонидан ўрганилган, илмий-назарий жиҳатдан асосланган. Бунда ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини ўзгартириш, уларни таълим олувчининг индивидул хусусиятларига мослаштириш, таълимни махсус психологик-дидактик шароитларини яратиш масалалари алоҳида ўрганилган.

Интерфаоллик муайян тартибда ким билaндир ўзаро муносабатга киришиш, мулоқот ўрнатишни ифодалайди. Шунинг учун ҳам интерфаол ўқитиш биринчи навбатда диалогга асосланган ўқув жараёнини англатади.

Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятнининг фаол ташкилотчиси бўлиб, талаба бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш ғояси XIV асрда илмий жиҳатдан асосланган бўлсада, ўтган XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб таълим жараёнига кириб келди ва илғор ўқитувчилар томонидан қўлланила бошланди.

Таълим жараёнини жуфт-жуфт ёки гуруҳли тарзда ўқитиш асосида ташкил этиш ғояси XII асрда илгари сурилган бўлиб, ўтган XX асрнинг охирларида ушбу ғоя негизида қуйидаги: билим-тажриба-таълим олувчи моделининг шаклланишига асос бўлди. Бу модел моҳиятини ёритувчи таълим парадигмаси гуруҳли ўқитиш тарзида номланиб, у таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти доирасида ўз-ўзини англаш, вақтнинг самарали ўтишига эришиш, тескари алоқа сифати ва миқдорини орттириш, дидактик материаллар сифатини яхшилаш, ўз-ўзини бошқариш тизимини кенгайтириш, ривожлантирувчи таълим парадигмасини татбиқ этиш, янги курслар мазмунини лойиҳалаштириш, ўқув режасини такомиллаштириш, таълим жараёни субъектларининг ўқув имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, улар фаолиятини баҳолашда қулай воситалардан фойдаланишга хизмат қилади.

Интерфаол ўқитишнинг характерли жиҳатлари нимада кўрнади? деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, бу тизимда профессор-ўқитувчи билан талабанинг мунтазам тарзда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар бир талабанинг ўзига хос имкониятлари ва эҳтиёжлари мавжуд.

Интерфаол ўқитиш жараёнида талабалар жисмоний, ижтимоий ҳамда ўрганиладиган таълим мазмуни билан ўзаро муносабатга киришадилар. Ушбу ҳар учала фаоллик кўринишлари ранг-баранг шаклларда таълим жараёнида иштирок этади. Жумладан: жисмоний – талабаларнинг иш ўринларини ўзгартирадилар, бошқа жойга ўтирадилар, мулоқотга киришадилар, ёзадилар, тинглайдилар, чизадилар, ижодий фаолият кўрсатадилар; ижтимоий – саволлар берадилар, жавоблар қайтарадилар, ўзаро фикр алмашадилар; билиш – профессор-ўқитувчилар баён этган фикрларга ўзгартиришлар киритадилар, уни тўлдирадилар, ўзлари мустақил тарзда муаммоларга ечим топадилар, касбий тажриба манбаи сифатида намоён бўладилар.

Интерфаол ўқитиш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ўқув фанининг мазмуни; таълимий таъсирнинг шакллантирилиши; талабаларнинг ўқув фаолияти; талабалар ўқув фаолиятининг назорати; талабалар ўқув фаолияти натижаларининг баҳоси; тескари алоқа кабилар.

Мазкур тизимнинг таркибий қисмлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-биридан мустақил тарзда мавжуд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам интерфаол ўқитишнинг барча таркибий қисмлари ўзаро алоқадорликда таҳлил этилиши керак.

Талабаларга нисбатан таъсирнинг шаклланиши муайян ўқув фани доирасидаги назарий материалар билан мувофиқ тарзда амалга оширилади. Таълимий таъсир янги ўқув материалининг баёни ёрдамида вужудга келади. Бунда амалий топшириқлар, машқлар, мисоллар, методик кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, тушунтиришлар, ўрганилаётган материаллардан олинган лавҳаларнинг намойиши катта аҳамиятга эга.

Талабаларнинг ўқув фаолияти уларнинг ўқув материалларини идрок этишлари, эслашлари, улар устида фикрлашлари, ўз билимларини амалий фаолиятларида қўллашлари жараёнида мустаҳкамланади.

Интерфаол ўқитиш жараёнининг ўзига хос фарқли жиҳати бу тизимда талабаларнинг ўқув фаолияти ўз-ўзидан назорат қилинишидадир. Назоратнинг натижалари талабалар билим даражасини баҳолашда ҳисобга олинади. Шу асосда тескари алоқа орқали навбатдаги ўқув фаолиятининг самарали амалга ошишига таъсир кўрсатилади. Шу тариқа интерфаол ўқитишнинг бошқа бир фарқли жиҳати муайян ўқув фаолияти жараёнидаги тескари алоқа орқали талабалар фаолиятига тезкорлик билан тузатишлар киритиш имкониятининг мавжудлигида ўз ифодасини топади. Бу, биринчи навбатда, аниқ бир талабанинг билим даражаси, у йўл қўйган хатолар, унинг эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ.

Маълумки анъанавий таълим жараёнида профессор-ўқитувчиларда ҳар бир талабанинг билиш даражаларини назорат қилиш имконияти мавжуд эмас эди. Интерфаол ўқитиш жараёни эса профессор-ўқитувчиларга талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини тезкор бошқариш имконини беради.

Интерфаол ўқитиш жараёнида анъанавий авторитар услуб ўзгаради. Бунинг натижасида профессор-ўқитувчилар маслаҳатчи мавқеини эгаллайдилар. Бу жараённинг вазифалари эса талабаларнинг ўз-ўзларини намоён қилишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, таълим олувчиларнинг ташаббус кўрсатишлари учун кенг йўл очиш, муаммоларни мустақил ечишларига имконият бериш, янги маълумотларни тўплашлари учун зарур моддий-техник базани вужудга келтиришдан иборат.

Интерфаол ўқитиш жараёнига мувофиқ келадиган технологияларни қўллаш орқали ҳам талабаларни креатив фаолликка ундаш, ўқитиш жараёнида ташкилий, мазмун билан боғлиқ, жараёнли, йўналтирувчи ҳолатларини ажратиш мумкин. Бундай ҳолатларнинг ҳар бир муайян ғояларга мувофиқ келади. Ўқув жараёнининг дастлабки жиҳатини мазмунга асосланган умумлашмалар, ўқув материалларини мувофиқлаштириш, ўқув фанларини интеграциялаш, дидактик бирликларни мустаҳкамлаш кабилар ташкил этади.

Интерфаол ўқитиш методларнинг яна бир ўзига хос хусусиятларининг тавсифи талабаларнинг ўзаро муносабатларида хайрихоҳлик, бирдамлик, ҳиссий-маънавий умумийликни вужудга келтириш билан тавсифланади.Бунда интерфаол методларни қўллаш натижасида таълим олувчилар идрок этиш жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида намоён бўлиб, уларнинг тажрибаси ўқув-билув фаолиятининг манбаи сифатида хизмат қилади. Бу жараёнда профессор-ўқитувчилар талабаларга тайёр билимларни тақдим этмайдилар, балки уларни мустақил изланишга ундайдилар. Жумладан, профессор-ўқитувчининг фаоллиги талабалар фаоллиги билан ўрин алмашади. Педагогларнинг вазифаси эса талабаларни ташаббускорликка ундашдан иборат бўлади. Профессор-ўқитувчилар талабаларга маълумотларни тақдим этувчи субъект ва уларга кўмаклашувчи маслаҳатгўй вазифасини бажарадилар. Шу ўринда интерактив методлар умумийлик характерига эгами? деган савол туғилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, интерактив ўқитиш методлари ҳеч қачон маъруза машғулотлари ўрнини боса олмайди. Бироқ улар маъруза материалларини муваффақиятли ўзлаштириш учун имконият яратиб, бу жараёнда талабаларда фикр, муносабат, хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи-назардан, ўқитишнинг интерфаол методлари таълим жараёни самарадорлигини оширишда ўзига хос қуйидаги устувор жиҳатларга эга: талабаларда ўқув жараёнига нисбатан қизиқиш уйғотади; ҳар бир талабанинг

ўқув жараёнидаги фаол иштирокини рағбатлантиради; ҳар бир талабанинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатади; талабаларнинг ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари учун имконият яратади; талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади; тескари алоқани амалга ошириш имконини беради; талабаларда фикрлар, муносабатлар, креатив фаолият тажрибаларини шаклантиради; талабаларда ҳаётий-касбий кўникмаларни шакллантиради; талабалар хулқ-атворининг ўзгариши учун қулайлик яратади.

Интерфаол жараёнида талабалар ўз имкониятларини тўлалигича намоён эта оладилар. Улар ўзаро ахборотлар алмашадилар, мулоқотга киришадилар, қадриятли йўналишларини бойитиш имкониятига эга бўладилар. Талабалар янги ахборотларга нисбатан шахсий муносабатларини билдириб, касбий тажрибаларини бойитишга муваффақ бўладилар. Масалан, талабаларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган методларни қўллаш жараёнида буни яққол кўриш мумкин. Ўз касбий тажрибаларини ошириш жараёнида талабаларнинг ички қувватлари намоён бўлди.

Интерфаол ўқитиш жараёни субъектларнинг тенг ҳуқуқли диалоглари асосида ташкил топади. Шунинг учун ҳам интерфаол ўқитиш жараёнида фаолият шаклларини қўллашда кенг кўламли импровизация учун йўл очилади. Интерфаол ўқитиш жараёнида талабаларда креативликни ривожлантириш учун қулай педагогик муҳит вужудга келади. Ҳар бир талабанинг ички қувватлари рўёбга чиқишида гуруҳдаги барча талабалар муҳим ўрин эгаллайдилар. Шунинг учун ҳам интерактив ўқитиш жараёнида жамоавий ўқув жараёнининг асосий принциплари ва таркибий қисмлари яққол намоён бўлади.

Интерфаол ўқитиш жараёни ўзида ҳар қандай усуллар, йўллар, уларни ишлаб чиқиш методлари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш механизмларини мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам мазкур жараён қуйидаги дидактик талабларга жавоб бериши керак:

а) интерфаол таълим жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг сифатини текшириш ва назорат қилишда талабаларнинг тавсифномалари, талаблари, эҳтиёжлари, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

б) интерфаол ўқув жараёнининг барча босқичларини амалга оширишда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш;

в) талабаларнинг ўзлари учун зарур бўлган касбий компетенцияларни эгаллашларидаги фаолликлари, ташаббускорликлари, ижодкорликлари, яратувчиликларини таъминлаш;

г) интерфаол ўқитиш жараёнини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига имкон қадар яқинлаштириш;

д) интерфаол ўқув жараёни натижаларини амалиётга татбиқ этиш орқали талабаларнинг истиқболдаги касбий фаолиятини ривожлантириш;

е) талабаларнинг касбий-педагогик фаолият соҳасига хос бўлган компетенцияларни эгаллаш ва ўзларини мустақил ривожлантиришларини таъминлаш кабилар.

Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида биз касбий-педагогик таълим жараёнида амалга ошириладиган интерфаол ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўқитишнинг интерфаол методлари ва технологиялари талабаларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Жумладан:

1. Интерфаол ўқитиш жараёнининг мазмуни бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларни эгаллаш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши лозим. бунда талабаларнинг шахсий қувватлари, нуқтаи назарлари, билим даражаларини аниқ ҳисобга олиш талаб этилади.

2. Интерфаол ўқитиш жараёнида талабалар ўз кучларига нисбатан қўшимча ишонч ҳосил қилиб, умуминсоний қадриятларни ўзлаштириб, ўз ўқув фаоляитлари учун масъулият ҳиссига эга бўладилар.

3. Тренинглар, ишчан ўйинлар ёрдамида талабалар мунтазам тарзда ўз мавқеларини аниқлашга муваффақ бўладилар. Чунки жамоавий иш шакли мунтазам тарзда ўз мавқеини аниқлаш, ўз нуқтаи назарларини қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этади. Бунинг натижасида гуруҳ аъзолари билан келишган ҳолда умумий ечимлар қабул қилинади ҳамда талабаларда яхлит команда бўлиб ишлаш, бу жараёнда ўз қобилиятларини намоён қилиш кўникмалари шакллантирилади.

4. Интерфаол ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўзлари мустақил тарзда креатив қобилиятларини намоён қиладилар, фаол тарзда касбий сифатларни ўзлаштирадилар.

5. Талабалар ўзлари ўзлаштирган билимларни ва касбий сифатларни истиқболдаги фаолиятларида қўллаш кўникмаларини изчил тарзда эгаллайдилар.

6. Интерфаол ўқитиш жараёнида вужудга келтириладиган хайриҳохлик муҳити, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик талабаларнинг ижодий юксалишлари учун қулай имконият яратиб, уларнинг креатвив қобилиятларини мунтазам ривожлантиришга асос бўлади.

Интерфаол ўқитиш жараёни талабалар фаолиятини таълимнинг турли йўналишлари бўйича ташкил этиш имконини беради. Жумладан:

- ташкилий йўналиш: интерфаол машғулотлар, тренинглар, мунозаралар, ишчан ўйинлар, матбуот конференцияларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- фаолиятли йўналиш: муаммолар устида ишлашнинг индивидуал усулларини аниқлаш, талабалар ҳаракатларининг жадвалини тузиш, талабаларнинг мустақил фаолиятларини йўлга қўйиш;

- рефлексия, яъни таҳлилий йўналиш: хатоларни таҳлил қилиш, режалар ва ҳаракатларга тузатишлар киритиш кабилар.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, интерфаол ўқитиш талабалар билиш фаолиятини ташил этиш ва ривожлантиришнинг махсус шаклидир. Билиш жараёнида талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари уларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишларига имконият яратади. Улар бир-бирлари билан ўзаро билимлар, ғоялар, ҳаракат усулларини айрибошлайдилар. Бундай ўқув ҳаракатлари ўзаро хайриҳохлик муҳитида амалга оширилиб, талабаларнинг янги билимларни ўзлаштиришлари учун қулай педагогик вазиятни вужудга келтиради. Натижада улар ўзларининг мулоқот кўникмаларин ривожлантиришга муваффақ бўладилар. Мулоқот кўникмалари сирасига крусдошлари ёки гуруҳдошларининг фикрларини тинглай олиш, турли нуқтаи назарларни ўзаро қиёслаш ва баҳолаш, мунозараларда иштирок этиш, муаммоларга биргаликда ечимлар топиш кабиларни киритиш мумкин. Улар жамоада ишлаш кўникмасини эгаллайдилар, шу билан бирга ўқитиш жараёнида ҳимояланганлик ҳиссини туйиб, ўзаро бир-бирларини тушунадилар ва шахсий муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, интерфаол ўқитиш жараёни профессор-ўқитувчилардан ҳам зарурий педагогик, методик, психологик билим, кўникма ва малакаларни талаб этади. Бундай тайёргарликка эга бўлиш орқали профессор-ўқитувчилар машғулот учун қулай бўлган интерфаол жараённи ташкил этишга муваффақ бўладилар.

## Иккинчи боб бўйича хулоса

Бўлажак боошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаш-тиришнинг якуний мақсади педагоглик фаолияти соҳасида касбий маҳорат, мутахассислик ва психопедагогик билимлари тизими ҳамда бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантиришдан иборатдир. Якуний мақсад нафақат бўлажак ўқитувчиларни мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодирлигини қайд этади, балки уни умуминсоний тараққиёт ҳамда педагог кадрларни тайёрлашнинг истиқболли муаммоларини ҳал этишга йўналтиришни англатади.

Бўлажак педагогларни касбий ижтимоий-лаштиришнинг якуний мақсади сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилди:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлашда асосий эътибор ўқув фани воситалари, педагогик фаолият мазмуни ва талабанинг шахсий имкониятлари асосида шакллантиришга қаратилади;

- касбий-педагогик фаолиятнинг мазмуни, вазифалари, ушбу жараёнда ҳал этилувчи муаммолар ва юзага келиш эҳтимоли бўлган қийинчиликлар хусусида яхлит тасаввурга эга бўлган ҳолда шахсий фаолликка эриша олишига асосланади;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини психопедагогик нуқтаи назардан тайёрлаш аниқ мақсад, яъни педагогик ва психологик билимларнинг таълим муассасасида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги билан белгиланадиган тузилмаси ва мазмунига йўналтирилган;

- бўлажак педагогларни касбий-педагогик фаолиятидан кутиладиган ва эришиш мумкин бўлган натижалар талаба шахси, унинг йўналганлиги (талаблари, қизиқиши, қадриятли йўналиши, иши, онги, сабаблари); маълумот даражаси (билим, малака, кўникмалари, билимларини доимий равишда бойитишга интилиши ва маҳорати); тарбияланганлик ҳолати (маънавий, эстетик, жисмоний, меҳнат ва ҳоказо жиҳатдан); ижтимоийлашуви (фаол касбий ва ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлиги, билим олишни давом эттириши, ижтимоий ва қадриятли қоидаларни қабул қилиши); маданияти (ижтимоий-маданий қадриятларини қабул қила олиши, интеллектуал, иқтисодий, экологик, маданият, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти, муносабатлари мазмуни ва ҳулқ) каби ҳолат билан белгиланади. Кутилаётган натижаларнинг энг юқори даражаси ўқитувчининг касбий малакаси ҳисобланади.

Бўлажак педагогларни касбий ижтимоийлаштириш моделини ишлаб чиқишда бир қатор тамойилларга асосланилди: инсонпарварлик – шахсий ва касбий имкониятларини очиб беришда талабани индивидуаллик сифатида кўриб чиқиш; субъектга хослик – касбий фаолият субъекти сифатида ўзини шакллантириш; фаоллик – талабанинг касбий ривожланишини рағбатлантириш.

